

---

## 18 НАФАР ФАРДУ ТАЛАБАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА НОМЛИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ

2022/2023-ўқув йили учун республика олий таълим муассасалари бакалавриат босқичининг 566 нафар талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларига муносиб кўрилган бўлса, уларнинг 18 нафари Фарғона давлат университети талабаларидир.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларида ғолиб бўлган, бутун ўқиши давомида фақат аъло баҳоларга ўқиётган ФарДУ талабаларидан 1 нафарига Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, 1 нафарига Ислом Каримов номли давлат стипендияси, 13 нафарига Навоий номли давлат стипендияси, 3 нафарига эса Улуғбек номли давлат стипендияси тайинланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-23 17:34:00